



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯНА  
ҚАРГИ КУРАШИШ ҚўМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “РЕКЛАМА ТўҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

Қонун 2022 йил 7 июнда қабул қилинган  
(ЎРҚ-776-сон)





## Қонуннинг мақсади

рекламани тайёрлаш, жойлаштириш  
ва тарқатиш (бундан буён матнда  
рекламанинг айланиши деб  
юритилади) соҳасидаги  
муносабатларни тартибга  
солишдан иборат





# Қонуннинг амал қилиш соҳаси. Асосий тушунчалар



Қонуннинг амал қилиши реклама тайёрланган жойдан қатъи назар, агар мазкур реклама Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга ва тарқатишга қаратилган бўлса, рекламанинг айланиши соҳасидаги барча муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.



Қонун татбиқ этилмайдиган соҳалар аниқ белгилаб берилган. Қонун **сайловолди ташвиқоти материалларига**, етказилиши мажбурий бўлган ахборотга ва мақсади товарни бозорда илгари суриш бўлмаган синов натижаларига нисбатан татбиқ этилмайди. Қонун нормаларини қўллашда ноаниқликларга олиб келган айрим тушунчалар тузатилиб, янги тушунчалар билан тўлдирилган.





# Қонуннинг амал қилиш соҳаси. Асосий тушунчалар



**номақбул реклама** — нотўғри, ахлоқсиз, яширин реклама, шунингдек ушбу Қонун талабларига мос келмайдиган бошқа реклама;



**уйғунлаштирилган реклама** — товарларнинг кино, аудио ва видео маҳсулотлардаги, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар эфиридаги, санъат асарларидаги, тасвирлардаги, компьютер ўйинларидаги ҳамда мавжуд товарга мувофиқ бўлган асосий ёки иккинчи даражали реkvизит, товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) тасвири ёки у ҳақида ҳар қандай шаклдаги эслатма тарзида бошқа асарлардаги рекламаси;





# Рекламанинг тили



Республика ҳудудида  
**реклама давлат тилида** тарқатилади.  
(амалда – реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилда тарқатилиши мумкин).



Шу билан бирга, айрим талабларга риоя этган ҳолда реклама мазмунининг таржимаси бошқа тилда такрорланиши мумкин.



Бунда, рекламанинг бошқа тилдаги таржимаси матни ҳарфининг ўлчами давлат тилидаги матн ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши, ташқи рекламада умумий реклама майдонининг 40 фоизидан ошмаслиги, теле-, радиоканалларда, босма нашрларда рекламанинг бошқа тилдаги таржимаси ҳар кунги умумий реклама ҳажмининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.



# Рекламанинг айланиши соҳасини тартибга солиш



Вазирлар Маҳкамаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда рекламага оид фаолият субъектлари бирлашмасининг рекламанинг айланиши соҳасидаги ваколатлари алоҳида белгиланган.



Вазирлар Маҳкамаси – рекламанинг айланиши соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди ва фаолиятга оид норматив ҳужжатларни белгилайди




Ваколатли орган – реклама соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади, қонун ижроси ва назоратини амалга оширади, бошқа органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, қонун нормаларини қўллаш бўйича тушунтиришлар беради, қонунбузарларга молиявий санкциялар қўллаш ҳақида қарорлар қабул қилади.



Ҳокимликлар – қонун ижросида ваколатли давлат органига қўмаклашади, ташқи реклама бўйича электрон аукционлар ўтказидади, паспорт беради, шартнома тузади ва назорат қилади



ННТ - ўз аъзолари манфаатларига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади, ваколатли органга таклифлар киритади, реклама кодекси ва ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқади, тадбирлар ташкил қилади.





# Рекламага оид фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари



Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар, шунингдек реклама тарқатувчилар рекламага оид фаолият субъектларидир.



Реклама ахборотиغا доир ҳужжатлар ва материаллар улар охири марта эълон қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида, низоли рекламалар низо яқунлангунча сақланади.



Улар ваколатли давлат органининг сўровига кўра реклама ахборотиغا доир ҳужжатлар ва материалларни белгиланган (етти кунлик) муддатда тақдим этиши шарт.



Реклама ахборотининг ишончилигини, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни (лицензия, гувоҳнома, сертификат) мавжудлигини текшириш, сўраб олиш, тақдим этиш лозим.





# Рекламага доир асосий талаблар

Номақбул рекламага (нотўғри, ахлоқсиз, яширин, Қонун талабларига мос келмайдиган бошқа реклама) йўл қўйилмайди.

## Рекламада қуйидагилар тақиқланади:



таълим тизимида  
фойдаланиладиган  
дарсликларда, мактаб  
кундаликларида,  
мактаб дафтарларида  
ва бошқаларда  
товарларни  
реклама қилиш;

ахборот  
маҳсулотини  
ёш таснифини  
кўрсатмасдан  
реклама  
қилиш (+0, +6, +18);



товар тўғрисидаги  
муҳим маълумотларни  
яшириш ёки уни  
ўқиш учун  
қийин қилиб  
тасвирлаш,

миллий ва  
оилавий аъъаналарга,  
ахлоқ ва  
маънавиятга зид  
бўлган шакллар,  
иборалар ва  
образлардан  
фойдаланиш.



Реклама берувчи ва реклама  
тарқатувчи бир вақтнинг  
ўзида Ўзбекистон  
Республикасининг  
норезидентлари  
бўлган тақдирда,  
рекламани тарқатишга  
йўл қўйилмайди.








## Огоҳлантириш ёзуви

Айрим турдаги товарлар (дори воситалари, БФҚ(БАД), энергетик, пиво, қимматли қоғозлар, фонограмма, акция) рекламасига нисбатан мазкур рекламага қўшимча ахборот ва (ёки) огоҳлантиришларни илова қилиш зарурлиги тўғрисида талаблар белгиланиши мумкин.

**Огоҳлантириш ва қўшимча ахборотларни тақдим этиш:**





# Вояга етмаганларга оид реклама

## Рекламада тақиқланади:

вояга етмаганларнинг ишончи ва тажрибаси етишмаслигини суиистеъмол қилиш

катталар учун мўлжалланган товарларни вояга етмаганлар истеъмол қилаётган ёки фойдаланаётган ҳолда ва хавfli вазиятларда тасвирлаш

ҳақиқий ёки ўйинчоқ қуролдан фойдаланиш

ота-оналар ва тарбиячиларни обрўсизлантириш

болалар каналлари ва телерадиодастурларида вояга етмаган учун мўлжалланмаган товарларни реклама қилиш

энергетик ичимликларни, улар расмий туширилган товарларни вояга етмаганларга реклама қилиш, намуналарини бепул тарқатиш

ов ва спорт қуроллари, лотереялар рекламасида вояга етмаганлар иштироки

халқ табобати товарлари рекламасини вояга етмаганларга қаратиш





# Рекламани айнанлаштириш. Ҳомийлик.

🔊 Реклама берувчи томонидан бевосита ёки билвосита фойда олиш мақсадида эълон қилинган, товарга қизиқишни шакллантириш ва уни реализация қилишга кўмаклашиш учун товарнинг муайян маркасига ёхуд уни ишлаб чиқарувчига рекламадан фойдаланувчиларнинг эътиборини атайин жалб этадиган ёки мазкур товарни ишлаб чиқарувчи ёки тарқатувчи шахснинг нашрга оид маълумотларини ўз ичига олган ахборот материали, муаллифлик ва таҳририят материали – **реклама деб ҳисобланади.**

👤 Реклама бошқа ахборотдан ажратилган бўлиши керак. Телерадиодастурларда **ҳомий**лари тўғрисидаги ахборот «**Дастур ҳомийси**» ёзуви билан дастур бошида ҳамда охирида қисқа ва аниқ кўрсатилиши керак.



📌 Бунда:  
ҳомийнинг номи ва унинг товар белгиси кўрсатилиши мумкин;  
телеканаллар орқали ҳомийлик хронометражи 5 секунддан, радиоканалларда 20 секунддан ошиши мумкин эмас.



# Ижтимоий реклама (ахборот)

**i** ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга аратилган ахборот.

**i** нотижорат хусусиятидаги ахборот.

**i** бевосита ёки билвосита фойда олишни мақсад қилиб олмаган, соғлиқни сақлаш, аτροφ-муҳитни ва энергетия ресурсларини асраш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ижтимоий ҳимоя ва хавфсизлик, маънавият ва маърифат, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашга қаратилган ахборот.

**i** ижтимоий ахборотда товарларнинг муайян турлари, товар белгилари ва бошқа элементлари тўғрисидаги маълумот беришга йўл қўйилмайди.

**i** оммавий ахборот воситалари, ташқи реклама ва ахборотни тарқатувчилар реклама учун ажратилган умумий ойлик ҳажмининг беш фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий ахборотни жойлаштириши шарт.





# Рағбатлантирувчи акциялар

Рағбатлантирувчи акция — рекламадан фойдаланувчиларни муайян ҳаракатларни бажаришга ундайдиган тадбир, танлов, ўйин ўтказиш шаклида амалга ошириладиган, шу жумладан уларда иштирок этиш шарти реклама қилинаётган товарларни олишдан иборат бўлган реклама.

## Эълонда:



- ① Акцияни ўтказиш қоидалари, муддатлари, ютуқлар номи, миқдори, олиш жойи, тартиби ва бошқа ахборотлар;
- ② Акция буюртмачиси ва ташкилотчиси номини, манзилени, алоқа маълумотлари кўрсатилади.
- ③ Эълон акция тугаганидан кейин 6 ой давомида эркин фойдаланиш учун очиқ бўлиши керак.
- ④ Рағбатлантирувчи акциялар рекламасида ютуқни олиш эҳтимолини ошириб кўрсатувчи иборалардан фойдаланиш тақиқланади.
- ⑤ Тегишли мукофот фонди мавжуд бўлмаган ҳолда рағбатлантирувчи акцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланади.

Ташкилотчи рағбатлантирувчи акцияни ўтказиш бошлангунига қадар оммавий ахборот воситаларида акция шартларини эълон қилиши шарт.



# Ташқи реклама

Ташқи реклама — номуайян шахслар доираси кўриши учун мўлжалланган, ташқи реклама ва ахборот объектларида (конструкцияларида) жойлаштириладиган графикли, матнли ёки бошқа реклама;

**реклама жойининг паспорти** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бериладиган ҳужжат бўлиб, ушбу ҳужжат юридик ва жисмоний шахсларнинг ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) унда кўрсатилган ер участкасига, бинога ёки иншоотга, мулк шаклидан қатъи назар, ўрнатиш ҳуқуқини тасдиқлайди;



**реклама жойи паспортининг эгаси** — давлат мулки бўлган ер участкасига, бинога ёки иншоотга ягона электрон савдо майдончаси орқали очиқ электрон аукцион асосида ёхуд хусусийлаштирилган ер участкаларига, шунингдек хусусий мулк бўлган биноларга ёки иншоотларга — хусусийлаштирилган ер участкасининг, бинонинг ёхуд иншоотнинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш ҳуқуқини олган юридик ёки жисмоний шахс;



**ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси** — атилишига йўл қўйиладиган ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш жойларини белгилайдиган, уларнинг турлари, шакллари, техник тавсифлари, ахборот майдонларининг сатҳи кўрсатилган ҳолдаги маълумотларни ўз ичига олган ҳамда ҳудудий режалаштириш чизмаси асосида ишлаб чиқиладиган ҳужжат;






# Ташқи реклама



## Ташқи реклама конструкциялари:


 конструкциялар хавфсизлигининг умумий техник регламентига мувофиқ бўлиши;


 фақат реклама тарқатиш мақсадида фойдаланилиши;

 паспорт берилган кундан эътиборан 6 ой ичида ўрнатилиши;

 конструкцияларни ўрнатиш чизмасига мувофиқ бўлиши;

 йўлнинг қатнов қисмига чиқариб ўрнатилмаслиги керак.

 Моддий маданий мерос объектларига, йўл белгиларига ва светофорларга, уларнинг тиргакларига ёки ҳаракатни тартибга солувчи ва ободонлаштириш воситаларга ўрнатиш тақиқланади.

 Давлат мулки бўлган ер участкаларига, биноларга ҳамда иншоотларга ташқи реклама конструкцияларини ўрнатишга бўлган ҳуқуқ очиқ электрон аукционлар асосида берилади.



Аукцион яқунларига кўра ер участкаларидаги реклама жойининг паспортини **10 йил** муддатга, давлат мулки бўлган объектларда 5 йил муддатга берилади.



Реклама жойининг паспорти мавжуд бўлмаган ҳолда ўрнатилган ташқи реклама конструкциялари ваколатли давлат органининг (Агентлик) қарорига мувофиқ **демонтаж** қилинади





**Телевидение, радио ва босма нашр**

## Телевидение, радио ва босма нашрда реклама

Телеканалларда реклама бир соатда  
20 фоиздан, бир суткада 15 фоиздан  
ошиши мумкин эмас.

Ушбу талаб фақат реклама  
теледастурларига ихтисослаштирилган  
телеканалларга нисбатан  
таъбиқ этилмайди.

Давомийлиги 10 минутдан кам  
бўлган телекўрсатувларни  
рекламага йўл қўйилмайди.

Спорт мусобақаларининг жонли  
эфирдаги ёки ёзиб олинган  
ҳолдаги намоёйиши вақтида  
реклама спорт мусобақаси  
танаффусларда берилиши мумкин.





# Телевидение, радио ва босма нашрда реклама




**Телевидение, радио ва босма нашр**



# Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш чоғидаги реклама. Интернет реклама



Абонент олдиндан  
**розилик берса**  
рекламага йўл  
қўйилади.



Маълумотлар берувчи  
телефон хизмати  
кўрсатишда  
(справочникда)  
реклама фақат  
сўралган ахборот  
берилганидан кейин  
тақдим этилади

Бунда реклама тақдим  
этиш вақти хизмат  
нархини белгилашда  
ҳисобга олинмайди.

Интернетда  
тарқатиладиган  
реклама ушбу  
Қонунда назарда  
тутилган  
талабларга мувофиқ  
бўлиши керак.

Реклама берувчи ва  
реклама тарқатувчи  
бир вақтнинг ўзида  
норезидент  
(хорижлик) бўлган  
тақдирда Ўзбекистон  
ҳудудида Интернет  
орқали рекламани  
тарқатишга йўл  
қўйилмайди.





## Ички реклама. Транспортда реклама

Давлат органлари, МФЙ, мактабгача таълим муассасаси, мактаб, коллеж, олий таълим ва бошқа таълим муассасаларига биноларига ички рекламани жойлаштириш тақиқланади, бундан ижтимоий ахборот ва қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Транспортда реклама йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Умум фойдаланишдаги транспорт воситаларида, метрополитен бекатларида, вокзалларда ва аэропортларда йўловчиларга хабар берувчи овозли тармоқлар орқали рекламани тарқатиш тақиқланади.





# Дори воситалари рекламаси



Реклама қилиш тақиқланади:



шифокор рецепти бўйича  
бериладиган дори  
воситаларини;

таркибида гиёҳвандлик, психотроп  
ва қучли таъсир қилувчи моддалар  
мавжуд бўлган дори воситаларини;

тиббиётда қўлланиш учун рухсат  
этилмаган дори воситаларини;

давлат рўйхатдан ўтказилмаган  
дори воситаларини.



# Дори воситалари рекламаси



## Қуйидагилар тақиқланади:

рекламада таниқли шахслар,  
тиббиёт ходимлари ёки ташқи  
кўриниши шифокорларга ўхшаш  
шахсларнинг иштирок этиши;

олимларнинг, тиббиёт  
ходимларининг тавсияларидан  
фойдаланиш;

фуқароларнинг миннатдорчилиги  
ва тавсияларидан фойдаланиш;

дори воситаси истеъмолидан  
инсон организмида юз берадиган  
ўзгаришларни акс эттириш;

ножўя таъсирлар мавжуд эмаслиги,  
ноёб, энг самарали, энг хавфсиз  
деб тақдим этиш;

бошқа дори воситалари  
билан таққослаш;

таъсири кафолатланганлигини  
таъкидлаш;

дори воситасини истеъمول  
қилмаслик инсон саломатлиги  
ёмонлашишига олиб келишини  
таъкидлаш;

тиббий огоҳлантиришсиз бериш;

рағбатлантирувчи акциялар  
ўтказиш.





# Биологик фаол қўшимчалар (БАД) рекламаси



Куйидагилар тақиқланади:



- дори воситаси ҳисобланади ёки даволаш хоссаларига эга деган таассуротни уйғотиш;
- одамлар даволанганлиги ва аҳволи яхшиланганлигини таъкидлаш;
- фуқароларнинг миннатдорчилиги ва тавсияларидан фойдаланиш;
- соғлом овқатланишни рад этишга ундаш;
- тадқиқотлар ўтказилганлиги, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги фактларга ҳаволалар қилиш;
- дори воситаларига нисбатан афзаллилиги ҳақида таассуротни юзага келтириш;
- вояга етмаганлар олиши ёки истеъмол қилиши тақиқланган бўлсада, болалар тасвиридан фойдаланиш;
- тиббий огоҳлантиришсиз бериш;
- рағбатлантирувчи акциялар ўтказиш
- она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни реклама қилиш тақиқланади.



# Энергетик ичимликлар рекламаси

## Куйидагилар тақиқланади:



- 1 хаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида огохлантирмаслик;
- 2 истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот бермаслик;
- 3 истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этиш;
- 4 спортда ютуқларга эришган инсонларнинг тасвиридан фойдаланиш;
- 5 истеъмол қилиш ижтимоий ва спортга оид муваффақиятга эришиш ёки жисмоний ҳамда руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга деган таассуротни юзага келтириш;
- 6 телевидение ва радио орқали соат 07:00 дан соат 22:00 га қадар реклама қилиш;
- 7 ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) орқали реклама қилиш;
- 8 вояга етмаганларга ичимлик намуналарини бепул тарқатиш ва реклама қилиш;
- 9 вояга етмаганлар учун мўлжалланган тадбирларга ҳомийлик қилиш;
- 10 энергетик ичимликлар номи ва тасвиридан фойдаланилган товарларни (футболкалар, бош кийимлар, ўйинларни ва бошқаларни) вояга етмаганлар орасида тарқатиш ва сотиш;
- 11 асосан болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган босма нашрларда энергетик ичимликларни реклама қилиш;
- 12 тиббиёт, спорт ва таълим муассасаларида энергетик ичимликларни реклама қилиш;
- 13 рағбатлантирувчи акциялар ўтказиш.





# Алкоголь маҳсулотлари рекламаси



## Қуйидагилар тақиқланади:

Ҳар қандай қувватдаги алкоголь маҳсулотларини реклама қилиш ва турли йўллар орқали уларни сотишни рағбатлантириш **тақиқланади**.

Бошқа ҳар қандай товарлар рекламасида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнини намойиш этишга **йўл қўйилмайди**.







# Маҳаллий пиво, табиий ва кўпикланадиган вино рекламаси

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган пиво, табиий ва кўпикланадиган вино рекламасига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

i меҳмонхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг савдо залларида (алкогол ва пиво маҳсулотлари сотиш нуқталарида);

i бундай маҳсулотларни намойиш қилиш ва татиб кўриш жойларида;

i бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи субъектларнинг расмий веб-сайтида (+20);

i темир йўл ва ҳаво транспорти воситаларида; (ички, ташқи, салон, ўтирғич, ички йўлак, монитор, ойна қисмида жойлаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда);

i телевидение ва радио орқали соат 23:00 дан соат 07:00 га қадар.

## Қуйидагилар тақиқланади:

ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида огоҳлантирмаслик (10% майдон);

истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот бермаслик;

бундай маҳсулотларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этиш;

истеъмол қилиш ижтимоий ва спортга оид муваффақиятга эришиш ёки жисмоний ҳамда руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга деган таассуротни юзага келтириш;

истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантиш;

инсон образидан фойдаланиш;

рағбатлантирувчи акциялар ўтказиш;

маданий-кўнгилочар, оммавий ва спорт тадбирларига ҳомийлик қилиш.



# Тамаки маҳсулотлари рекламаси



Тамаки маҳсулотлари, тамаки ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реклама қилиш ҳамда уларни сотишни турли йўллар орқали рағбатлантириш тақиқланади.

Бошқа ҳар қандай товарларнинг рекламасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиш жараёнини намойиш этишга йўл қўйилмайди.





# Молиявий хизматлар рекламаси



Қимматли қоғозлар ва аҳоли маблағларини жалб этиш билан боғлиқ хизматлар рекламаси мазкур хизматлардан фойдаланиш сармоя йўқотилишига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантириш билан бирга берилиши керак.

## Молиявий хизматлар рекламаси:

Истеъмолчиларнинг ишончини суиистеъмол қилмайдиган, уларнинг тажрибаси ва билими етишмаслигидан фойдаланиш ниятини қўзламайдиган усулда тақдим этилиши;

хизматга бевосита алоқадор бўлмаган ахборотга эга бўлмаслиги;

хизматнинг истеъмолчи учун муҳим шартларини яширмаслиги керак.










# Халқ таботида реклама




## Қуйидагилар тақиқланади:

-  касалликлардан тузалганлик, инсон соғлиғи яхшиланганлиги ҳақидаги ҳаволалар;
-  шифокорга мурожаат этиш керак эмаслиги тўғрисида таассурот;
-  халқ таботи товарларини дори воситалари ёки БАД сифатида тақдим этиш;
-  соғлом одам ҳам истеъмол қилиши зарурлиги тўғрисида таассурот;
-  вояга етмаганларга қаратиш;
-  тадқиқотлар олиб борилганлиги фактига ҳавола қилиш;
-  халқ таботи товарлари афзаллиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;
-  инсон соғлиғида муаммолар ёки касалликлари мавжудлиги ҳақидаги таъкидлар;
-  товарларнинг ижобий таъсирини, хавфсизлигини, самарадорлигини ва ножўя таъсирлари мавжуд эмаслигини кафолатлаш;
-  самарадорлиги унинг табиий келиб чиқиши билан кафолатланганлигини таъкидлаш;
-  тиббий огоҳлантириш билан бирга бермаслик;
-  рағбатлантирувчи акциялар ўтказиш.






# Таваккалчиликка асосланган ўйинлар рекламаси



# Жавобгарлик



Реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қуйидаги миқдорларда молиявий санкциялар қўлланилади:

ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ёки реклама қилиниши қонунчиликда тақиқланган ёки чекланган маҳсулот тўғрисида реклама тарқатганлик учун

базавий ҳисоблаш  
миқдорининг  
**100 баравари**  
миқдорида

номақбул реклама берганлик, аксилрекламани беришни рад этганлик учун

базавий ҳисоблаш  
миқдорининг  
**70 баравари**  
миқдорида

энергетик ичимликлар, алкогольли ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламалари, пиротехника воситалари, қурол-яроғ рекламасига доир талабларни бузганлик учун


базавий ҳисоблаш  
миқдорининг  
**50 баравари**  
миқдорида

ташқи реклама ва ахборотни жойлаштириш тартибини бузганлик учун

базавий ҳисоблаш  
миқдорининг  
**50 баравари**  
миқдорида

вояга етмаганлар учун мўлжалланган рекламага, дори воситалари, БАД рекламасига доир талабларни бузганлик учун

базавий ҳисоблаш  
миқдорининг  
**30 баравари**  
миқдорида



# Жавобгарлик чегараси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯНА  
ҚАРҒИ КУРАШИШ ҚҶМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ  
**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ**  
**ҲИМОЯ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ**

**Реклама берувчи**


қонунчиликнинг реклама ахбороти мазмунига доир қисми бузилганлиги учун, агар ушбу қонунбузарлик реклама тайёрловчи ёки тарқатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса, жавобгар бўлади

**Реклама тайёрловчи**


қонунчиликнинг реклама тайёрлашга доир қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади

**Реклама тарқатувчи**

қонунчиликнинг рекламани тарқатиш вақти, жойи ва воситаларига доир қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади

 Молиявий санкцияларни қўллаш ваколатли давлат органи (Агентлик) томонидан амалга оширилади.

 Низо мавжуд бўлган тақдирда эса, масала суд тартибида ҳал этилади.

 Молиявий санкцияларни қўллаш реклама тўғрисидаги қонунчилик бузилишини бартараф этиш мажбуриятидан озод этмайди.



Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, яъни **2022 йил 9 сентябрдан** кучга киради.